


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ  
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМИИ  
РИВОЖЛАШТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ  
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ  
ОМИЛЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

<b>РАШИМОВА Д.А.</b> Ta'lim tizimini rivojlantirishda ajdodlar merosining roli	221
<b>ФАТУЛЛАЕВА М.А., МАХМУДОВ И.</b> Ёш ақлод тарбиясида миллий халқ ўйинларининг ўрни ва педагогик аҳамияти	223
<b>АВЛНЯКУЛОВ М.М.</b> Бўлажак ўқитувчилар маънавий оламини юксалтиришда санъат ва маданиятнинг ўрни.	227
<b>TOSHEVA D.I.</b> Ekologik ta'lim-tarbiya haqida allomalar qarashlari	229
<b>АВЛНЯКУЛОВА И.М.</b> Пути развития изобразительно-творческой деятельности будущих педагогов.	235
<b>НУРУЛЛАЕВ А.Р., ХУЖАЕВ Э.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги	237
<b>ГУЛБОЕВ А.Т.</b> Профессионал таълим тизимида маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш	239
<b>УСМОНОВА Г.И.</b> Таълим ва тарбия уйғулиги миллий тараққиётга эришиш кафолати	241
<b>ҲАЙИТОВ Ж.Ш.</b> Ўзбекистонда бошоқ (дон)ли экин янги навларининг тарқалиши тарихи	243
<b>ОРЗИЕВ М.З., ҲАЙИТОВ Р.</b> Биринчи жаҳон уруши даврида бухорода герман-турк fronti учун олиб борилган тарғибот ишлари	245
<b>ГУЛБОЕВ А.Т.</b> Профессионал таълим тизимида касбий-ахлоқий меъёрларини тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари	251
<b>ҚУРБОНОВА У.Ў.</b> Мустақиллик йилларида ўзбекистонда касбий таълим тараққиғи тенденциялари	254
<b>GULAMOVA D.</b> "Street law" loyihasi huquq targ'ibotining eng mukammal dasturi	257
<b>РАЖАБОВ О.</b> Баркамол ёшлар таълим-тарбиясида туркистон маърифатпарварларининг қарашлари	259
<b>ШАМСИЕВ Р.Х.</b> "Механик узатмалар" мавзусини ўқитишнинг замонавий усуллари.	261
<b>КУЧАРОВ Ж.Қ.</b> Мирзо Улугбек ва Бухоро	265
<b>ТЕМИРОВ Ф.У.</b> Садриддин Айний – ёш авлоднинг таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари	270
<b>ХАКИМОВА Г.А.</b> Религия любви в полотнах Акмата Нурса	272
<b>АДИЗОВА Х.Р., ШОДМОНОВА Д.А.</b> Табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт	274
<b>ШИРИНОВ А.И.</b> Ўзбекистонда манзара жанрининг ривожланиши	278
<b>НУРИЛЛАЕВА И.Ш.</b> Интеграция науки и образования как элемент системы непрерывного профессионального образования	280
<b>СОБИРОВА И.У.</b> Архитектура курияни чизмачиликда ўқитиш методларининг аҳамияти	282
<b>ГАФФАРОВ Х.Р., САВРИЕВ И.С., АДИЗОВ Б.А., СЕВИНОВ У.Б.</b>	284

1	Пахта чипити кунжарасини мушпақ ҳолатда кўч босқичли мой олиш	
3	қурилмасида мой ажратиш олиш жараёни моделиштириш	
7	AMINOV A.SH., QULMANIMATOV B.G'. Chizmachilik darslarida	292
9	axborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi.	
5	ЭЛМУРОДОВ А.С. Автоматизированное управление ковроткачком	295
7	РАХМАТУЛЛАЕВА Д. Профессионал таълим муассасалари	298
	ўқитувчиларида тадбиркорлик компетенцияларини шакллантириш	
	ШАРИПОВ Ж.О. Влияние антифрикционных алмазоподобных (dic)	300
	покрытий на надежность процесса фрезерования без сож хромовых	
	сплавов	
	МИРЗОЕВА Н.Э., МИРЗОЕВА О.Э. География дarsлариди	303
	инновацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш	
	ОРЗНЕВ М.З., ХОЖИМУРОДОВ Ж.Э. Россия-Афганистон: XX аср	306
	бонлариди сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тарихидан	
	ГОФУРОВ М. Технологик таълим тизимининг моддий-техник	311
	таъминотини мустаҳкамлаш.	
	ХАСАНОВ Х. Электромагнитная сверхжесткость	314
	НУРИДДИНОВА Н.З. Как выучить русский язык	326
	НАЗАРОВА З.И. Таълим жараёнида зисрат туризмини ташкил	329
	этишнинг ўзига хос хусусиятлари: имконият, муаммо ва ечимлар	
	МАМАТОВ D.Q. Maktabda chizmachilik darslarida "Buyum modelini	331
	yasash" orqali o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini shakllantirish.	
	МУСИНОВА А.С., ФУЛОМОВ Ш.Ж. Мис идишларини ясашнинг	332
	техник усули	
	ABDURAZOQOVNA N.R., RAXMATOVA Z.SH. O'rta asrlarda rassom	335
	miniaturachilarni o'qitish metodlari tarixidan	
	МАМУРОВ И., МАМУРОВА Д.И., АСРОРОВА М. Coreldraw —	337
	незаменимый помощник профессионалов	
	БОЛТАЕВА С. Таълим ва тарбия ривожлантириш йўллари	339
	TUXSANOVA V.R. Matoni bezash san'ati tarixi va uslublari (issiq, sovuq,	341
	tugunli batik)	
	DJURAYEVA L.R. Innovatsion pedagogik faoliyatning ta'lim sifatini	343
	oshirishdagi ahamiyati	
	АБДУРАХМОНОВ О.Р., СЛИДОВА М.Б. Автоматизированное	348
	управление уровнем при производстве чистой воды	
	НУРИЛЛАЕВА Н.Ш. Чет тилларини ўқитишда сифат самарадорликга	349
	эришилшининг педагогик ва психологик жиҳатлари	
	МАХМУДОВА С.Х. Уқувчиларининг ўқитиш саводхонлигини халқаро	352
	даражада баҳолаш	
	АЗИМОВА Н.Э., ПАСИМОВА З.И. Очқ таълим тизими таълим	355
	сифатини юкори кўтарини омилли сифатида	

другой – в вертикальном направлении (ось Z). Процесс поломки отображался в виде всплеска сигнала вибраций по всем осям, так как при развитии налипания усиливаются ударные процессы в зоне резания, которые и вызывают рост амплитуд вибраций во всем частотном диапазоне.

На начальном этапе на записи наблюдаются периоды возникновения очагов налипания, что выражается в усилении низкочастотных вибраций. В период возникновения таких очагов резко увеличивается амплитуда колебаний на зубцовой частоте (частоте входа зуба в обрабатываемый материал). Однако напильники стружки не задерживаются на режущей части фрезы. К середине прохода после приработки фрезы напильники прекращаются.

Обнаружено, что при работе фрезой без покрытия возникают повышенные вибрации, особенно в области низких частот. На зубцовой частоте 500 Гц амплитуда сигнала при резании фрезой без покрытия почти в четыре раза превышает амплитуду, полученную при работе фрезой с покрытием.

Данные о мгновенных значениях сил резания получили, обрабатывая кромку листа из сплава 34ХН1МА толщиной 8 мм. Каждой фрезой выполняли по 40 проходов, что равно пути резания 11,2 м и объему удаленного материала 179,2 см<sup>3</sup>, что соответствует минутной производительности предыдущего эксперимента.

Измерительные сигналы сил и моментов были получены с помощью пьезоэлектрического динамометра Kistler 9253B23. Выявлено, что сила резания по осям X и Z увеличивается от первого к 40-му проходу для фрезы с DLC уменьшается для фрез без покрытия. Это свидетельствует о том, что инструмент без покрытия за счет колебаний, возникающих из-за налипания обрабатываемого материала, выходит из зоны стабильного резания и начинает деформировать, а не резать материал.

#### **Заключение**

1. Нанесение антифрикционного алмазоподобного покрытия (DLC) снижает трение между инструментом и обрабатываемым материалом и препятствует интенсивному налипанию материала заготовки, что позволяет почти в два раза увеличить производительность съема материала заготовок из 34ХН1МА сплавов дисковыми быстрорежущими фрезами по сравнению с фрезами без покрытия.

2. Фрезы с DLC отличаются не только большей производительностью из-за меньшей склонности к налипанию 34ХН1МА, но и являются более предпочтительным при использовании станков с адаптивной системой управления, так как процессы, предшествующие поломке инструмента развиваются медленнее, чем у фрез без покрытия.

#### **Список литературы**

1. Maslov A.R., Zhigalov A. N. A method of increasing hard-alloy wear resistance via aerodynamic impact // Journal of Friction and Wear, 2014, vol. 35, №5, pp. 421-425.

2. Жигалов А.Н., Маслов А.Р., Шатуров Г.Ф. Повышение эффективности фрезерования путем совершенствования структуры режущих твердых сплавов// Вестник машиностроения, № 8/2015 с. 20-23

3. Маслов А.Р. Мониторинг процессов автоматизированной лезвийной обработки заготовок//Труды межд. науч.-техн. конф. «Современные наукоемкие технологии, оборудование и инструменты в машиностроении», С-Пб, 17-19 сентября 2014, с. 118-127

## ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мирзоева И.Э.-БухДУ Экология ва география кафедраси катта  
ўқитувчиси

О.Э.Мирзоева - Пешку тумани 16-ўрта мактаб география фани  
ўқитувчиси

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, таълим тизимига ҳам кенг қамровли ислохотлар чуқур кириб бормоқда. Бу ислохотлардан кўзда тутилган мақсад таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий этиш, таълим самарадорлигини ошириш, мазмунини яхшилаш, пировард натижада уни жамият ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ривожланишига хизмат қилдиришдан иборатдир.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида таълимни илгор шакллари ва янги педагогик технологиялар таълим жараёнига жорий этилсин,- дейилган бўлса, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим беришнинг илгор технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва таълим жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш талаб этилади. Бинобарин, география фани ҳам узок шаклланиш тарихига эга. Чунки бу фан бевосита географик билимларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Географияни жуда қадим замонларда қундалик халқ эҳтиёжлари оқибатида пайдо бўлди десак, хато қилмаймиз. Географик билимлар мукамаллаша боргани сари кишилар ўз саёҳатларини, хотираларини, юришларини оддий чизмаларда акс эттирган ва шу тарика географик картанинг яратилишига асос бўлувчи маълумотларни тўшаганлар.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилганидир.

Замонавий технологиялар эса уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топилларига, мустакил ўрганиб, тахлил қилишлари, ҳатто худосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ҳозирги кунда таълимнинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратди ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Шунинг учун умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг билими, сўз малакага эга бўлишларини тахминлашда замонавий ўқитиш методлари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир.

“Инновация” сўзи инглизча “innovation” сўзидаги олинган бўлиб, янгилик юритиш, янгилик деган маъноларни англатади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар - бу жамоат бўлиб фикрлаш демакдир. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар кирди:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва излашга мажбур этиши;
- ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишни таъминланиши;
- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда қучайтириши;
- ҳаминша педагог ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ. Ўқитиш жараёнида қўйилган мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса чиқара олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олсагина самара бериши мумкин. Ҳар бир дарс, мазму, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маълум бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.[4]

Қўйилган мақсадни амалга ошириш ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликда мақсаддан натижага эришиши учун қандай технологияни танлашлари уларнинг ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади янги натижага эришишга қаратилган. Бунда

Ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балким, компьютер билан ишлаш мумкин, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, буларнинг қай бирини танлаш ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.[2]

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини ондиндан лойиҳалаштириб олиш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметиининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ўқитишнинг техник воситаларини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишни ҳисобга олаётгани, керакчи қаролатилган натижага эришиш мумкин. Мактабларда бошланғич география, табиий география таълимидан сўнг иқтисодий иқтисодий географиянинг тармоқлари бўйича билим берилади. Таълим методларида ўқитувчининг қийфаси, унинг дунёқараши, рухий педагогик, услубий ва маҳсул илмий тайёргарлиги акс этган бўлади. Худди ана шу омиллар таълим методлари самарадорлигини белгилайди. Муайян методга яқин тайёргарлик кўрмаган ўқитувчида шу методнинг ўзи салбий жиҳатларини ҳам намойиш қилиши мумкин, шу сабабли таълим методларини самарадорлигини ошириш учун ўқитувчининг тайёргарлик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Методларни нотўғри танлаш ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини суст эгаллашга сабаб бўлади. Демак таълимда универсал метод йўқ. Шу туфайли ҳам ўқитувчи фақат битта методдан фойдаланиб дарс ўтмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас.

География таълимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқитувчи аксарият дарсларни ўтишда оғзаки баён методларини қўллайди ва самарали натижаларга эришади. География таълимида карталарни расмларни танлашда изчилликнинг бўлмаслиги ҳам билимларни сустрлаштиради. Масалан VII-синфда "Африка табиат зоналари" мавзусида ўқувчилар экваториал ўрмон, саванна сахро каби тушунчаларни эгаллашлари керак. Бунда дастлаб ўқитувчи ўқувчиларда юқоридаги табиат комплексларининг тасвирини ўқувчилар кўз ўнгиде гавдалантириш, сўнгра эса уни картадаги ўрни билан бўлса, худудий комплекслар турли-туманлиги ҳақида ўқувчилар зарур билимга эга бўладилар.[3]

Ўқитиладиган мавзулар дарсдан дарсга ўтган сари мураккаблашиб ва долзарблашиб боради. Ҳозирги замон таракқиёти, фани ривожланиб бораётган бир пайтда мактабларда ўзига хос таълим жараёнини ташкил этиш, ўқувчининг билим олиш учун турли воситалардан фойдаланишга ўргатиш муҳим масаладир. Ўқувчининг эркин фикирловчи шахс сифатида тарбиялаш ва уни маълум бир мутахассисликлар бўйича йўналиштиришда география фанининг ҳиссаси катта. Шу билан бирга бу фани замонга мос равишда ривожлантириш, фан техника таракқиёти ютуқларидан баҳраманд этиш ҳар бир географнинг вазифасидир. География дарсларининг сифат, мазмунини, самарадорлигини ошириш мақсадида таклиф ва тавсияларимиз бермоқчимиз:

1. Таълим тўғрисидаги қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда ДТС талабаларидан келиб чиқиб дарс жараёнида интерфаол методлар ва тарқатма материаллардан фойдаланишни янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб муаммолардан яна биридир.

2. Ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейларида география дарсида интерфаол методлар ва тарқатма материаллардан фойдаланишни янада яхшилаш замонавий техника воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Замонавий техника, технология ривожланаётган бир пайтда компьютер техникасидан фойдаланиб уларни тақдиротлар ҳолатда қўرғазмани қилиб тайёрлаш бугунги кунда ўта муҳим.

4. География дарсларини самарали ташкил қилишда турли метод ва маззуга оид мультимедиялардан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдиева З.А. География фанида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш. -Навоний., 2003.

2. Бабанский. Ҳозирги замон таълими мактабларида ўқитиш методлари. Т. "Ўқитувчи" 1990 йил.

3. Сайидахмедов М.С. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. -Т.: Университет, 2005.

4. Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усулларидан фойдаланиш. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.

#### РОССИЯ-АФҒОНИСТОН: XX АСР БОШЛАРИДА СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН

Орзиев М.З.-БухДУ, Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ҳожимуродов Ж.Э.-Гиждувон туман ХТБга қарашли 55-сонли мактаб тарих фани ўқитувчиси

Россия давлатининг Ўрта Осиё хонлиқларини истило этиши, Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакалари учун катта хавф туғдирар эди. Россия билан Ҳиндистон орасида буфер давлатлар ташкил этиш Англия ташқи сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланган. Аммо, XX аср бошларида бу вазият бир қадар ўзгарган.

XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудлари икки буюк давлат (Россия ва Англия)нинг ўзаро манфаатлари тўқнаш келган минтақалардан бири эди. Икки ўртадаги 1869-1873 йиллар, 1895 йил давомида олиб борилган музокаралар ўзаро таъсир доираларини белгилаган бўлсада, чегараларда хавфнинг доимий юқори эканлиги сақланиб қолиган. Афғонистон давлати Англияга ярим қарам давлатга айланган ва Россиянинг Ҳиндистонга эҳтимолий тажовуздан буфер давлат вазифасини ўташи лозим бўлган бўлса, ўз навбатида Россияга ярим қарам Бухоро амирлиги Англиянинг Туркестон ўлкасига бўлган тажовузига қарши шу вазифани ўташи лозим эди. Ўз навбатида Афғонистон давлати ҳам Туркистон халқлари учун ҳам катта хавф бўлиб, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан XIX



асрининг иккинчи ярмида Жанубий Туркистон (hozирда Афғон Туркистони)ни эгаллаб олган ва бу худудларда нестикомат қилувчи ўзбек, тожикларга нисбатан эъравоқликлар амалга оширилган эди. Уша давр тарихий манбаларида ушбу минтақа аҳолиси руслар келишини сабрсизлик билан кутаётгани, Амударёдан ўтиб Жанубий Туркистон ерларини Россия империяси ўз таркибига қўшиб олса уларнинг аҳволни бир қадар яхшилашигини ишончлари билан боғлиқ маълумотлар сақланиб қолишган[2,24]. Жанубий Туркистон аҳолисининг Россияга хайрихоҳ кайфияти ва бир печа бор кўзголон кўтариши Афғонистон давлат ҳукмдорларига Россия империясини ўзлари учун хавfli рақиб сифатида кўришлари учун етарли асос бўлиб хизмат қилган деб хулоса қилиш мумкин.

Афғонистон амирлари Жанубий туркистонда яшовчи ўзбек, тожик ва туркманларини давлат амаллари ва мансабларига яқин йўлатмасликнинг барча чораларини кўрган. 1906 йилги маълумотларга кўра ўлканинг барча вилоятлари раҳбарлари афғонлардан бўлиб, уларнинг ҳам асосий қисми Афғонистон амирлари яъни ҳукмрон қабилва вакиллари баракзойлардан тайинланган. Жумладан, 1906 йилда Жанубий Туркистондаги Афғонистонга тобе бўлган вилоят бошлиқларининг асосий қисми яъни, 27 таси ёки 70 % зи Баракзой қабиласидан қолганлари эса афғонларнинг бошқа қабилаларидан бўлганлар эди[6]. Бу эса, Афғонистон амирларининг Жанубий туркистон аҳолисига нисбатан ишончсизлигини кўрсатади.

Иккинчи бир томондан Афғонистон амирлари Англия билан XIX асрда икки бора давлат мустақиллигини сақлаб қолиш учун кураш олиб борган бўлсаларда, XX бошларида Англия томонидан хавfli кутмаганлар. Аксинча, Россия империясининг ўзларини асосий рақиблари сифатида кўришлар. 1904-1905 йилларда бошланиб кетган Рус-Япон уруши даврида Россиянинг Узок Шарқ минтақасида боғланиб қолганлиги сабабли, Англия Афғонистон ва Ўрта Осиё минтақасида ўз таъсири оширишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрига Луис Дэн бошчилигида миссия юборилган эди. Ушбу музокаралар вақтида Афғонистон амири Ҳабибуллаҳон Англия билан ҳамкорликда Россияга қарши биргаликда кураш бошлашни таклиф қилади. Чунки, уруш Россияни қийин аҳволга солиб, Ўрта Осиёга етарлича эътибор қарата олмасди. Аммо, Англиянинг ёрдамсиз Афғонистон ҳам Россия билан кураш олиб бора оладиган даражада эмасди[5,22].

XX аср бошларида Дунё сиёсатида қатор ўзгаришлар содир бўлиб, Англиянинг гегемонлигига путур ета бошлаганди. Германия дунёнинг барча минтақаларида Англия билан рақобат қилиши ҳар икки давлатнинг ўзига иттифоқчи излашга мажбур қилади. Натижада, 1907 йили икки рақиб Россия ва Англия давлатлари иттифоқчиларга айланадилар. Уша давр манбаларида Афғонистон амири Ҳабибуллаҳон рус-инглиз келишувини Афғонистон давлати мустақиллигига тажовуз деб, уни тап олишдан бош тўртганлиги қайд этилган[1,52-97]. Тарихий адабиётлар таҳлили шунни кўрсатадики, аслида Амир Ҳабибуллаҳон Россия ва Англия ўртасидаги келишувни Афғонистон учун тинчлик гарови сифатида қабул қилган. Чунки, Ҳабибуллаҳон Англиядан хавfli